

155.3
347.5
7-85

А.ТУРСУНОВ

ТУПРОҚ
ФИЗИКАСИ



А.ТУРСУНОВ

ТУПРОҚ ФИЗИКАСИ

*ЎзССР Олий ва ўрта махсус таълим министрига
олий ўқув юрталарининг агрохимия ва тупроқшўносл
лик, биология ва тупроқшўнослик факультетлари
студентлари учун тавсия этилган.*

ББК 40.3я73
Т 88

Тақризчи: қишлоқ хўжалик фанлари кандидати
И. И. БОБОХУЖАЕВ

Т 3802020000—163
М 359 (04)—88 95—87

ISBN 5—8244—0072—5

© «Меҳнат» нашриёти, 198

КИРИШ

Экинлар ҳосилдорлигинин ошириш, аввало тупроқнинг хосса ва хусусиятларини яхши ўрганишни тақозо қилади. Кундалик ҳолларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тажрибасида тупроқнинг хоссалари, айниқса унинг физик режимлари эътибордан четда қолиб, экинлар ҳосилдорлиги асосан минерал ва органик ўғитлар солиш ҳисобига оширилади.

Академик В. Р. Вильямс таъбири билан айтганда, тупроқ унумдорлиги ўсимликлар ҳосилдорлигинин муттасил оширувчи ҳаётий фактор — озиқ, сув, ҳаво, иссиқлик ва ёруғлик ҳисобланади. Бу факторлар мустақил ҳеч қачон бир-биринин ўрнини алмаштирмайдиган, лекин ўзаро муносабатда ва боғлиқликда бўлади. Бу факторларни бошқариш, энг олдин тупроқнинг физик хоссаларинин биллишини ва уларни бошқариш тадбирларинин ўрганишини тақозо қилади.

Тупроқнинг шўрланиш жараёни билан боғлиқ бўлган кўпгина назарий масалаларни ҳал этишда тупроқ ва унинг физик хоссаларинин биллиш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, тупроқ таркибидаги сув ва унда эриган тузларнинг ҳаракатланиш тезлиги, тўпланиши, парланишини ва шунга ўхшаш жараёнлар бир хил механик таркибли ҳамда мураккаб механик таркибли (қат-қат ётқизиқли грунтлар) тупроқ-грунт профилида ўзига хос характерга эга бўлади. Шунинг учун тупроқ физикасини мукамал ўрганиш унинг унумдорлиги сирларини очишда изчил ёрдам беради.

Мазкур дарслик агрохимик ва тупроқшунос мутахассислар тайёрлайдиган баъзи бир университетларда мустақил курс сифатида ўқитиладиган «Тупроқ физикаси» программаси асосида ёзилган. Лекин бу дарсликдан тупроқшунослик фани билан алоқаси бўлган институт ва махсус билим юр்தларнинг талабалари кенг фойдаланишлари мумкин.

Дарсликда маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда Урта Осиёда, айниқса, Ўзбекистонда тарқалган тупроқларнинг физик ва сув физик характеристикаси баён этилган. Экинлардан ва айниқса,ғўзадан юқори ҳосил олишга қаратилган тадбирлар кўрсатилган. Дарслик баъзи бир камчилик ва нуқсонлардан холи бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун дарслик тўғрисидаги мулоҳазаларингизни Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, «Меҳнат» нашриётига ёзиб юборишингизни сўраймиз.